ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00990

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилшоджон Махамадалиевич Курбонов
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада дастлабки тергов босқичида қонунийликни таъминлаш хусусия тлари таҳлил қилинган, шунингдек терговчи фаолиятида қонунийликни таъмин лаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: тергов, ҳуқуқ, эркинлик, суд, жамият, адолат, дастлабки тергов.

ABSTRACT

The article analyzes the features of ensuring the rule of law at the initial stage of the investigation, as well as offers suggestions for improving the mechanism of ensuring the rule of law in the activities of the investigator.

Keywords: investigation, law, freedom, court, society, justice, preliminary investigation.

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали мухофазасини, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий даҳлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлаш ҳисобланади. Чунки инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадриятдир.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, унинг мустақиллигини таъминлаш, шунингдек адвокатура органларининг фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни юритиш жараёнига оид ислоҳотлар ҳам жиноят-процессуал фаолиятнинг ушбу йўналишини янада

либераллаштириш ва ушбу фаолият давомида қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини қатъий ижро этилишига эришишнинг аҳамиятини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Зеро жиноят ишларини тергов қилишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонунларнинг нормалари билан жиноят процессининг барча иштирокчилари манфаатларини таъминлаш учун қатъий қоидалар тартибга солинган. Аммо жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар баъзан жиноят процессининг вазифаларини тўғри ва тўлиқ бажаришга масъулиятсизлиги туфайли процессуал фаолият давомида қонуннинг айрим талаблари бажарилмасдан қолишига олиб келади. Яъни ушбу вазифаларнинг батафсил ижросини таъминлашда қонун талабларига зид ҳаракат қилиш ҳоллари тергов амалиётида ҳам учраб туради. Шу билан бирга дастлабки тергов органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан идоравий процессуал контроль ва прокурор назорати муваффақиятли амалга оширилиб келинаётганлигини эътироф этган ҳолда, бу борада жиноят-процессуал қонунчиликдаги қонунийликка хизмат қиладиган воситаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш масалалари долзарб аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда бу борада қонунларни такомиллаштириш, шунингдек жиноятларни очиш ва тергов қилишда жиноят-процессуал воситалар билан қонунийликни таъминлаш, дастлабки тергов фаолиятини қонунийлик асосида ташкил этиш бўйича процессуал фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, судга қадар иш юритуви жараёнида қамоққа олиш эҳтиёт чораси[1] ва айрим процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги[2], ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи процесс

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни // *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда*

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2012 йил 19 сентябрь Қонуни // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 433-модда*

иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги[1], ҳимояланиш ҳуқуқига оид нормалар такомиллаштирилганлиги, адвокатура органларининг гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш борасида фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар[2]ни санаб ўтиш мумкин.

Жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида қонунийликни таъминлаш албатта жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, текшириш ва ҳал этишдан бошланади. Жумладан, жиноят ҳақида хабар келиб тушганидан сўнг ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар уни очиш ва тергов қилиш фаолиятини олиб борадилар. Жиноятларни очиш деганда содир этилган жиноят ҳақида олинган хабарни текшириш бўйича кечиктириб бўлмас ва келгуси тергов ҳаракатларини амалга оширган ҳолда қандай жиноят содир этилганлиги, уни ким ёки кимлар содир этганлиги ва жиноят содир этилган муддатга ойдинлик киритиш бўйича қўлга киритилган ижобий натижалар тушунилади, яъни ушбу ҳолатлар тўла аниқланишини англаш лозим. Жиноятни тезда очиш – мазкур масалани ўта қисқа муддатда, яъни жиноят белгилари аниқлангандан ёки у тўғрисида хабар олинган вақтдан бошлаб дарҳол ёки ўн кунгача бўлган муддат ичида ҳал қилиш тушунилади. Бунда муайян асослар мавжуд бўлганида жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни ҳал этиш муддати ваколатли шахснинг асослантирилган қарорига асосан прокурорнинг розилиги билан 1 ойгача узайтирилиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

МУҲОКАМА

Бизнинг фикримизча, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувчи жараёнини бешта босқичга ажратиш мумкин:

1. *Жиноятларни аниқлаш босқичи* – жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилиниши ва рўйхатга олинишидан иборат ҳаракатларининг мажмуи тушунилади.

2. *Жиноят ишини қўзғатиш босқичи* – бу жиноят ҳақидаги ариза ёки хабар бўйича ЖПКда белгиланган тартибда терговга қадар текширувни ўтказишдан

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // *Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 3-модда*

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни *Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда.*

иборат ҳаракатлардир. Бунда жиноят ҳақидаги дастлабки материаллар дарҳол ёки узоғи билан 10 кун ичида ўрганилиши, бу материалда жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқланиши, ҳамда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарда жиноят аломатлари мавжуд бўлганида терговчи (суриштирувчи) томонидан жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши тушунилади.

3. *Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш босқичи* – жиноят иши қўзғатилганидан сўнг жиноятнинг туридан келиб чиққан ҳолда ЖПКнинг 3-бўлимида кўрсатилган тергов ва процессуал ҳаракатларнинг исталганини ўтказиш ва жиноятнинг тафсилотларига оид далилларни тўплаш тушунилиши лозим.

4. *Гумон қилинувчини аниқлаш* – ЖПКда белгиланган тартибда ўтказилган процессуал ва тергов ҳаракатлари натижалари, ҳамда тезкор-қидирув тадбирларининг материаллари асосида жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни белгилаб олиш, унинг қаерда эканлигини аниқлаш, лозим ҳолларда ушлаш, уни гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқариш, шахсга гумонни эълон қилиш ва сўроқ қилишдан иборат ҳаракатларни ўз ичига олади.

5. *Шахсни ишда айбланувчи тариқаси иштирок этишга жалб қилиш* бу жиноят иши бўйича гумон қилинувчи билан ўтказилган тергов ҳаракатлари - уни яшаш (иш, ўқиш) жойини тинтув қилиш, олиб қўйиш, почта-телеграф хат-хабарларини хатлаш, кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, юзлаштириш ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш жараёнида аниқланган далиллар асосида шахсга айб эълон қилиш, уни сўроқ қилиш, унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, ҳамда жиноят иши бўйича айблов хулосасини тузишдан иборат ҳаракатлардир.

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида қонунийликни таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- жиноят ҳақидаги барча ариза ва хабарлар қабул қилиниши ва рўйхатга олинишига эришиш;

- тергов-тезкор гуруҳини ҳодиса содир бўлган жойга имкон борича, тезроқ етиб боришини таъминлаш ва барча зарур куч ва воситаларни кечиктирмай жалб этиш;

- терговга қадар текширувнинг сифатли ва самарали ўтказилишини таъминлаш, жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказиладиган тергов ҳаракатларини қонунийлик талаблари доирасида ўтказиш ва тезкор-қидирув тадбирларни белгилаш, уларнинг тезкорлиги, узлуксизлигига риоя қилиб,

юқоридаги вазифаларни бажаришга тергов-тезкор гуруҳининг барча таркиби имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки терговни бошлаш тўғрисида қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш;

- кам вақт сарфлаган ҳолда имкон борича кўпроқ маълумот йиғиш ва уларни қайд этиш мақсадида техник воситаларни қўллаш, ҳамкорликда иш юритаётган органларга тезкорлик билан маълумот узатиш,

- муайян маълумот ва хабарларни текшириш зарур бўлганда мутахассис ва экспертлар ёрдамидан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун қуйидагиларни бажариш лозим:

а) тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса содир бўлган жойга етиб келиши ва техник воситаларнинг излар ва бошқа далилий ашёлар билан ишлашга доимо тайёр бўлиб туришини таъминлаш;

б) исталган вақтда тергов-тезкор гуруҳи таркибига вазият тақозо этадиган мутахассисларни жалб қилиш имкониятини таъминлаш, мазкур мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар ички ишларнинг навбатчилик қисмларида бўлишини таъминлаш;

в) ҳодиса содир бўлган жойга йўл олган тергов-тезкор гуруҳини тегишли вазиятлар учун мўлжалланган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг намунавий алгоритмлари билан таъминлаш;

г) ҳодиса содир бўлган жойни тергов-тезкор гуруҳ етиб келгунига қадар қўриқлашнинг пухта ишлаб чиқилган чоралари тизими ишлашини таъминлаш зарур.

НАТИЖАЛАР

Жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этувчи прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи ҳамда жиноят ишининг бошқа иштирокчилари юқорида келтирилган қонунийлик талабларига риоя этишлари керак. Акс ҳолда ғайриқонуний ҳаракатларнинг содир этилиши қонунийлик принципининг бузилиши деб топилади ва юридик жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, ҳамда бундай ҳаракатни содир этган шахс тегишли жавобгарликка тортилиши лозим.

Терговчи дастлабки терговни амалга ошириш чоғида жиноят процессининг иштирокчилари билан ҳуқуқий муносабатга киришади. Терговчи жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш, гумон қилинувчини ушлаш, эҳтиёт чорасини

танлаш (қамоққа олиш ва уй қамоғидан ташқари), жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш, экспертиза тайинлаш ҳақидаги ва бошқа қарорларни мустақил қабул қилади. Терговчи терговни режалаштириш, тергов ҳаракатлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, тўпланган далилларни баҳолаш, жиноят иши бўйича қарорлар чиқариш ишларини мустақил амалга оширади.

Прокурорнинг дастлабки терговни назорат қилиши терговчини мустақилликдан маҳрум қилмайди ва обрўсини туширмайди, балки, аксинча, терговчининг барча ҳаракатлари қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинишини, айни пайтда, терговни амалга ошириш чоғида қонунийликка риоя этилишини таъминлайди. Терговчи ўз қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлиги учун тўла жавобгар. Прокурор, ўз навбатида, терговчининг жиноятларни тергов қилишнинг қонунда белгиланган тартибига оғишмай амал қилишини кузатиб туриши ва бу билан ҳар бир иш ҳолатларининг ҳар томонлама тўла, ва холисона текширилишини таъминлаши шарт.

Терговчи ва унинг раҳбари (прокурор ёки тергов бошқармасининг бошлиғи) ўртасидаги процессуал муносабатлар ЖПКда аниқ тартибга солинган. Бунда терговчининг жиноятчини фош этишдаги ташаббускорлиги, маҳорати қўллаб-қувватланиши, унинг мустақиллигининг ва шу билан бирга дастлабки терговни ўз вақтида ва қонунга мувофиқ амалга ошириш учун масъулияти ошиб бориши муҳим.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, терговчининг фаолиятида қонунийлик нафақат процессуал, балки ташкилий кафолатлар билан ҳам таъминланади. Терговчининг жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятида қонунийликни таъминлаш - унинг фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш, ижобий ҳаракатларни рағбатлантириш ва аксинча қонун бузилишига сабаб бўладиган қилмишларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш борасидаги воситалар орқали ҳам рўёбга чиқарилади.

REFERENCES

1. Уразаев Ш.З. Власть и закон. – Ташкент, 1991. – С. 47;
2. Таджиханов У. Закон.Человек.Государство.-Т.-1997.-С.45-47;
3. Саидов А.Х. Права человека. – Ташкент, 2001. – С. 90;
4. Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси // Ҳаёт ва қонун. 1994. №2. - Б.3-7;

5. Исламов З.М. К вопросу о формировании правовой политики независимого Узбекистана // Ҳуқуқ-Право-Law, – 2003, – №1, – С. 6–9;
6. Бобоев Х. Б. Инсон хукуклари хар недан азиз. Тафаккур, 1997, №1. –10-14 б.
7. Одилқориев Х.Т.. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т., 2009. –Б.59;
8. Алексеев С. С. Восхождение к праву. Поиски и решения. – М., 2001. – С. 481.